

# **“ЎзРТХБ” АЖ биржаси аъзоларининг трейдерлари учун одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ**

## **1. Умумий қоидалар**

1. “ЎзРТХБ” АЖ биржаси аъзоларининг трейдерлари учун одоб-ахлоқ мазкур Қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) биржа аъзолари трейдерларинининг ўзини тутиши, муомаласи ҳамда “ЎзРТХБ” АЖ ходимлари, мижозлар ҳамда ўзаро муносабатларига нисбатан ягона меъёр ва стандартларини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларнинг мақсади куйидагилардан иборат:

биржа аъзоларининг фаолиятини ривожлантиришга кўмак берувчи, биржа аъзолари трейдерларининг кундалик амалиётига одоб-ахлоқ меъёр ва стандартларини жорий этиш; ҳамкасабалар, биржа ходимлари ва мижозлари билан сифатли ўзаро иш одоби доирасида муносабатларини ўрнатиш;

“ЎзРТХБ” АЖ имиждига мувофиқ бўлиш.

3. Мазкур Қоидалар иш фаолиятидаги одоб-ахлоқнинг асосий тамойилларини ва трейдерларнинг хулқида талабларни белгилайди.

4. Биржа аъзоларининг барча трейдерлари “ЎзРТХБ” АЖнинг мазкур Қоидалар билан мувофиқлаштирилувчи одоб-ахлоқнинг ягона меъёр ва стандартларига риоя этишлари лозим.

## **2. Иш фаолиятида одоб-ахлоқнинг аҳамияти**

5. Корхонанинг кадриятлари ва тараққиёт стратегиясига мувофиқ келувчи замонавий корпоратив маданиятнинг “ЎзРТХБ” АЖда шаклланиб келаётганлиги доирасида, трейдерлар томонидан ҳам одоб-ахлоқ қоидаларини билиш ва уларга риоя этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

6. Ҳамкасабалар, биржа ходимлари ҳамда мижозлар билан муносабатларни нотўғри ўрнатиш, “ЎзРТХБ” имиджи ва нуфузига зарар етказиши ҳамда зиддиятли вазиятларга олиб келиши мумкин.

7. Иш фаолиятидаги одоб-ахлоқ деганда, меҳнат жамоасида касб ахлоқини мувофиқлаштирувчи ва трейдерлар орасида ҳам, мижозлар ва биржа ходимлари билан ҳам муносабатларни шакллантирувчи меъёр ва қоидаларнинг уйғунлиги тушунилади.

## **3. Ишбилармонлик муомала маданияти**

8. Нутқ маданияти – бу нутқнинг барча ахлоқий воситаларининг (саломлашиш, мурожаат, миннатдорчилик, хайрлашиш, мулоқот қилиш ва ҳоказо) жамланмаси ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларидир.

9. Трейдерлар тўғри, маданиятли нутққа эга бўлишлари ва нутқ маданияти борасидаги меъёрлардан хабардор бўлишлари лозим.

10. Нутқ маданияти – ҳамкасблар ва ҳамкорларнинг ўзаро ҳурматини кўзда тутати. Шунинг ишбилармонлик муҳитида қабул қилинган “Сиз” деб мурожаат қилиш – ишбилармонлик одоб-ахлоқ қоидаларидан хабардорлилик ва маданиятлиликдан далолат беради. Бир томонлама “Сен” деб мурожаат ва мулоқот қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларини кўпол бузиш сифатида қабул қилинади.

11. Ишбилармонлик муносабатларида нутқ оҳанги ҳам катта аҳамиятга эга. Шахслараро ўзаро муносабатларда муомаланинг маъмурий-буйруқ услубини қўллаш тавсия этилмайди

12. Расмий муносабатларда муомала вазмин, равон, оғир, хушмуомалали бўлиши лозим, илтифотли ва равон муомалага йўл қўйилади.

13. Ўзаро ишбилармонлик муносабатларида трейдерларга боадаблик қоидаларига риоя этиш ҳамда фикр билдиришда кескинликдан қочиш тавсия этилади.

14. “ЎзРТХБ” АЖнинг нутқ маданиятида, вазият ва лавозимдан қатъий назар куйидагилар тақиқланган:

- сўкиш ва ҳақоратли сўзлардан фойдаланиш;
- баланд овозда мулоқот қилиш;
- каттиқ қулиш;

- ҳамкасбалар, биржа ходимлари ва мижозларнинг шахсиятини камситиш, турли ҳақоратли фикрлар билдириш, бир-бирига бакириш;

- ҳамкасбалар ва биржа ходимларининг диний қарашлари, ирқий ва миллий мансублигига оид маънавий дунёқарашларига тегиб ўтиш.

15. Новербал мулоқот – бу мулоқот ва ахлоқнинг сўзсиз, имо-ишоралар билан ўз фикри ва туйғуларини билдириш усулидир.

16. Новербал мулоқотнинг ишбилармон эткасига қуйидагилар киради:

- ишоралар ва бошқа ҳаракатлар;

- қўл бериш сўрашиш;

- чекиш жараёни.

17. Бунда ахлоқсиз кўринишдаги новербал мулоқотнинг қўлланишига йўл қўйилмайди.

18. “ЎзРТХБ” АЖда қабул қилинган қоидаларга кўра, барча трейдерлар кабинетга киришдан аввал эшикни тақиллатиб киришларини талаб этади.

19. Ҳар бир трейдер ҳамкасблари, мижозлар ва биржа ходимлари билан мулоқот қилишда ўзининг хулқ-атвориغا эътиборли бўлиши лозим:

- қаддини текис тутиши;

- қўлларини силкитмаслиги;

- қўлларини чўнтакка тикмаслиги;

- ҳақоратли тусга эга ишоралар қилмаслиги.

21. Стулда ўтирганда тебранмаслик лозим.

22. “ЎзРТХБ” АЖ трейдерларига алоҳида ажратилган жойлардан ташқари жойларда чекиш ман этилади.

23. Биржа аъзоларининг трейдерлари биржа биносида одоб-ахлоқ меъёрлари ва тартибига риоя этишлари шарт.

24. Биржа аъзоларининг трейдерлари мижозлар билан мулоқотда хизмат кўрсатиш юзасидан барча зарурий ахборотни тақдим этишлари лозим. Бунда биржа ҳудуди ва ундан ташқарида одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишлари шарт.

25. Биржа аъзоларининг трейдерларига биржа ва унинг ходимларининг нуфузига салбий таъсир етказувчи ёлғон маълумотларни, асосланмаган миш-миш, ғийбат ва тухматларни тарқатиш тақиқланади.

26. Брокерлик идораси ходимининг ташқи кўриниши – ташриф қоғозидир. Кийиниш услуби ходимнинг нафақат ташқи кўринишда, балки ишда ҳам саранжомлик ва пухталигидан далолат беради.

27. Трейдернинг ташқи кўриниши “ЎзРТХБ” АЖ имиджига мувофиқ бўлиши лозим, шу сабабли улар биржага ишбилармонлик услубига мос кийимда келишлари лозим.

28. “ЎзРТХБ” АЖ марказий аппаратидаги тадбирлар (иш учрашувлари, муҳтарам мехмонларнинг ташрифи, ОАВ вакиллари билан мулоқот ва бошқа турдаги тадбирлар) вақтида трейдерлар (жинсидан қатъи назар) жиддий ишбилармонлик услубидаги кийимда келишлари лозим. Эркаклар: тўқ рангдаги костюм-шим, оқ кўйлак, галстук, ёз мавсумида пиджак кийиш шарт эмас. Аёллар: оч рангдаги юқори қисм кийими, тўқ рангли, ўртача узунликдаги юбка ёки шим, ишбилармонлик услубида тикилган кўйлак ҳам ўринлидир.

#### **4. Яқуний қоидалар**

29. Мазкур Қоидалар талабларини бузган трейдерлар Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасида Биржа савдоси Қоидаларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

30. Мазкур Қоидалар биржанинг расмий веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.